

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---


---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2019



**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## МУНДАРИЖА

### Аниқ ва табиий фанлар

#### МАТЕМАТИКА

##### А.Үринов, Ш.Каримов

Бессель оператори қатнашган итерацияланган кўп ўлчовли Клейна-Гордона-Фок тенгламаси учун Коши масаласи аналогини ечиш ..... 5

#### ФИЗИКА, ТЕХНИКА

##### Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Шухратов, И.Якубов

Толали материаллар тозалагичининг қайишқоқ таянчларга ўрнатилган колосниклар тебранишларининг таҳлили ..... 13

##### Ж.Улугмуратов, И.Исматуллаев, И.Якубов, З.Исламов, Х.Бегалиев, Т.Кодиров

Туяқуш экзотик чарми олишда тери хомашёсига дастлабки ишлов беришни тадқиқ қилиш ..... 20

#### КИМЁ

##### Б.Мажкамов, Д.Шахидова, Б.Орзикулов, Д.Гафурова

Мис (II) ионларининг сорбцияси учун комплекс ҳосил қилувчи полимер материалларни олиш ..... 25

#### БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

##### Ш.Хасанов, С.Сасмаков, Ж.Абдурахманов, О.Аширов, Ш.Азимова

Ҳашарот ҳужайраларини паст ҳароратли мұхитда узоқ муддат сақлашнинг оптималь шароитларини танлаш ..... 29

##### А.Ахунов

Суғориш тарихи ва суғоришнинг ўзига хос омиллари ..... 32

### Ижтимоий-гуманитар фанлар

#### ТАРИХ

##### К.Тухтабеков

Ўзбекистонда илм-фан тараққиётининг тарихий илдизлари ..... 36

##### Ў.Жўраев

Советлар даврида таълим тизимини мағкуралаштириш (1950-1980 йиллар) ..... 40

##### Е. Гордеева

Калтаминон маданияти мағкураси тўғрисидаги масалага доир ..... 43

##### И.Раҳимов

Тарихий ҳақиқат ва унинг жамият маънавий тараққиётига таъсири ..... 47

#### ФАЛСАФА, СИЁСАТ

##### А.Ўтамуродов, Б.Турсунов

Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи ..... 50

##### Т.Алимардонов, А.Азимов

Ўтиш даврининг классик модели ..... 54

##### Ф.Мирзаева

Ўрта Осиёда Нақшбандия-Мужаддиция тариқати ривожининг ўзига хос хусусиятлари ..... 58

##### И.Тоирев

Жаҳон тамаддуни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ..... 61

#### АДАБИЁТШУНОСЛИК

##### А.Акбаров

Фирдавсий тақдири Ҳайнрих Ҳайне талқинида ..... 66

##### Р.Тошниёзова

Маърифат ва талқин: шоҳид образининг онтологик асослари ..... 70

##### М.Хамидов

Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида Машраб образи ..... 75

##### А.Қаюмов

Уруш – миллий характер күшандаси ..... 77

##### М.Эрназарова

Л.Н.Толстой ижодини ўрганишнинг инновацион технологиялари ..... 81

#### ТИЛШУНОСЛИК

##### Ш.Искандарова, М.Омонов

Ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан “Бобурнома”даги изофий бирикмалар ..... 85

АДАБИЁТШУНОСЛИК

УДК: 8-32

## УРУШ – МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР КУШАНДАСИ

## ВОЙНА – ЗЛО, ПРИЧИНЯЕМОЕ НАЦИОНАЛЬНОМУ ХАРАКТЕРУ

## WAR –EVIL, HARMING THE NATIONAL CHARACTER

А.Қаюмов

## Аннотация

Мақолада халқимизнинг узоқ йиллар давомида шаклланган миллий характери уруш оғатлари таъсирида емирилиши таҳлил қилинганд. Ўткир Ҳошимовнинг "Урушнинг сўнгги қурбони" ҳикоясида ўзаро муносабатлар, ижтимоий шароит орқали бадиий муаммо тўлақонли очиб берилганини тадқиқ қилинганд.

## Аннотация

В статье проведен анализ процесса разложения под воздействием войны национального характера, формировавшегося на протяжении длительного времени. В рассказе У.Хошимова "Последняя жертва войны" раскрывается специфика постановки художественной проблемы, дана полноценная интерпретация межличностных отношений и социальных условий.

## Annotation

*In this article it was analyzed the national character of our nation, which has been formed over many years due to the consequences of the war. In the story of Utkir Khoshimov's story "The last victim of the War", the relationship between the interpersonal links and the social problem has been investigated.*

**Таянч сўз ва иборалар:** миллий характер, интерьерьер, диалог, руҳий ҳолат, бадиий деталь, миллий қадрият, ҳикоя.

**Ключевые слова и выражения:** национальный характер, интерьерьер, диалог, психологическое состояние, художественная деталь, национальная ценность, рассказ.

**Keywords and expressions:** national character, interiors, dialogue, psychological state, artistic detail, national value, story.

Уруш жаҳон ҳамжамияти дунёкарашида шаклланган кўплаб эзгу қадриятларга зарар етказади. "Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, сўнгги олти минг йил ичиди Ер куррасида 5700 марта уруш бўлган экан" [1,210]. Жанггоҳлардаги хунрезликлар, уруш қолдирган асоратлар, очлик, маънавий ва моддий қийинчиликларнинг юзага келиши – буларнинг барчаси миллий характерга хос бўлмаган ҳаракатларнинг содир этилишига сабаб бўлади. Ўткир Ҳошимовнинг "Урушнинг сўнгги қурбони" ҳикоясида бу фикрларнинг бадиий ифодасини кузатишимиш мумкин. Яъни, мазкур асарда миллий қадриятларнинг бузилиши фонида урушнинг даҳшатли оқибатлари ёритиб берилган. Адид урушда қайсиdir томоннинг ютишини эмас, уруш инсоният бошига тушган энг даҳшатли фожиалардан эканлигини кўрсатишга интилган.

"Урушнинг сўнгги қурбони" ҳикоясида оддий оиласининг Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаёти тасвирланган бўлиб, жанглар узоқда давом этаётган бўлса-да, унинг таъсирида тинч аҳоли ҳам ҳалок бўлаётганлигини тасвирлаш мақсад қилинганини кўринади. Ҳикояда уруш

оқибатида оғирлашган турмуш тарзи азобларини тортаётган, қиши қийинчиликларидан эндиғина қутулиб чиқсан оила ҳаёти қаламга олинган. Озиқ-овқатнинг етишмаслиги, ижтимоий тузилмаларнинг издан чиқсанлиги, оғир турмуш тарзи aka ва ука, қайнона ва келин муносабатларидаги миллий қадриятларга ҳам путур етказади.

Асар Шоикром хонадони интерьери тасвири билан бошланади. Экспозицияда келтирилган "шинни доғи қотган қуроқ дастурхон", "сопол товоқ", "банди куйган ёғоч қошиқ" каби деталлар миллий белги ташиш билан бирга яшаш тарзининг оғир эканлигини англатади.

Ўзбек миллий характерида болага, айниқса, гўдакка бўлган муносабатларда самимилик, алоҳида меҳр мавжуд. Болани фариштага қиёс қилган ҳолда унинг инжиқликлари, шўхликлари ҳеч кимни ранжитмайди. Лекин узоқ йиллардан буён давом этаётган оғир ҳаёт барчанинг тинкасини қуритган. Фарзандга муносабат тасвирланган ўринларда ота-оналарнинг асаблари таранг, тушкун руҳий ҳолатда эканлиги кўзга ташланади: "Ичкарида чақалоқ

А.Қаюмов – ФарДУ адабиётшунослик кафедраси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

йиғлади. Бешикнинг ғирчиллагани эшитилди. Бола худди шуни кутиб турғандай, баттар биғиллай бошлади. Каттаси ҳам уйғониб кетди, шекилли, құшилишиб йиғлашга тушди.

Шоикром силтаниб, қаддини ростлади.

- Овозини ў chir, Хадича!

Ичкаридан хотинининг бешикни муштлагани, зардали товуши эшитилди:

- Овози ўчса кошкийди! Тўққиз кечасида жин теккан бунга!"

Бадиий асарларда ота ёки онанинг гўдакка нисбатан бу даражада асабий муносабатда бўлиши кам кузатилди. Бола тарбияси назарда тутилганда "силтаниш", "овозини ў chir" деган сўз, жумлани ишлатиш, "бешикни муштлаш", "зардали товуш"да гапириш кабилар миллий қадриятларга мос келмайди, албатта. Адид ота-оналарда бундай салбий ҳолатларнинг вужудга келишига асосий сабаб уруш оғатлари эканлигига ургу беради. Бу мазмун Шоикромнинг "шу кунимдан кўра урушга бориб ўлиб кета қолганим яхшийди", деган ички нутқида ҳам яққол намоён бўлади.

Адид болаларга меҳр кўрсатиш, меҳр бериш учун ҳам маълум даражада мухит ва шароит зарур эканлигини уқтироқчи бўлади. Туну кун ишлайдиган Шоикромнинг фарзандларига бўлган меҳри у қадар баланд эмас. У фарзандлари билан кам кўришади, жисмоний ва руҳий жиҳатдан жуда чарчаган. Шунинг учун ўз болаларига бўлган муносабатларида ҳам яқинлик сезилмайди. Бундай мазмун Шоикром ва Умри хола диалоги орқали очиб берилади:

- Кўрмайсизми, чақалоқ тинчимаяпти.

Ўзим итдай чарчаганман.

- Бола бўлгандан кейин йиғлайди-да, - деди Умри хола юпатувчи товушда.

Мазкур сұхбатда Шоикромнинг болага нисбатан "чақалоқ" сўзини ишлатишида бироз бегоналик нафаси келиб турибди. У чақалоқ ўрнига "бала" ёки "қизим" сўзларини ишлатганда, нутқ табиий ва ишончлироқ чиқар эди. Ўткир Ҳошимов "чақалоқ" сўзини атайин кўллаган ва бу орқали урушнинг жирканч оқибатлари отанинг фарзандига бўлган меҳр-муҳаббатига ҳам таъсир этганлигини кўрсатишни мақсад қилган.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, мазкур тасвирлар орқали ўқувчини кейинги даҳшатли воқеаларга тайёрлаб боради. Шоикром эртадан кечгача заводда оғир меҳнат қиласи. Топгани оиласини боқиш учун ҳам етмайди. Қишининг азобли

кунларидан эндиғина қутулган оиласиборнинг бундан кейинги энг катта ташвиши болаларини оч қолдирмаслик ҳисобланади. Аксига олиб сигирларини ўғирлаб кетишган. Бу каби ҳолатларнинг барчаси ҳикоя қаҳрамонларининг миллий характеристига жиддий таъсир кўрсатади.

Ҳикояда кўзга ташланадиган яна бир салбий ҳолат Шоикромнинг касал укаси Шонеъмат ҳолидан ўн кундан буён хабар олмаганлигига кўринади:

"Шоикром хотинининг гапини эшитмади. Бирдан унинг кўз ўнгидага пастак дераза остида шифтга тикилиб ётган укаси жонланди. Бир ҳовлида туриб ўн кундан буён ҳолини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиниқ келди" [2,13].

Ўзбек менталитетида қўни-қўшнилар, ҳатто узокда яшовчи қариндошлар бетоб бўлиб қолса, уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиш одати шаклланган. Лекин, юқорида таъкидланганидек, уруш келтириб чиқарган сабаб ва оқибатлар натижасида Шоикром бир ҳовлида яшовчи укасининг саломатлигини сўраш учун ҳам вақт ажратолмайди. Бу аканинг чуқур руҳий изтиробга тушганлиги "афсусланиб, ичидан хўрсиниқ кел" ганлигига намоён бўлади.

Ҳикояда яна бир "қизиқ" тасвир учрайди – келин қайнонасидан овқатни қизғанади. Бу ҳолат ўзбек келинлари учун умуман хос бўлмаган хусусият ҳисобланади. Ўткир Ҳошимов бу воқеанинг содир этилиши учун ишонарли асос (уруш оқибати) бўлганлиги сабабли ўқувчи бу ҳолатга эътиroz билдира олмайди:

– Овқатингдан қолмадими? – деди у чўккараб ўтирганча чой қуяётган хотинига қараб.

Хадичанинг узунчоқ сарғиши юзи қизарди. Айбдордек маҳзун товушда узр сўради:

– Қолмовди-я.

Шоикром унинг қизарганидан ёлғон гапираётганини сезди. Ким билсин, эрталаб ўзига иситиб бериш учун шунаقا деяётгандир... (2,13).

Бу ўринда Хадича ҳам, Шоикром ҳам, она ҳам қозонда овқат борлигини билиб турибди. Лекин ҳеч ким бу маълумотнинг ёлғонлигини ошкор этолмайди. Бу замонда ҳар ким оиласини, бола-чақасини зўрга боқаётганини билганлиги боис ортиқча суриштирувга ҳожат йўқлигини она ҳам англаб турарди. Уруш даври қийинчиликлари

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

одамларни шу даражага етказганки, ўғилда ҳам, ҳатто ўз онасидан таомни қизғаниш ҳисси пайдо бўлган. Тўғри, бу ҳолатни қизғаниш дея баҳолаш бўрттиришдир, лекин келин берган ёлғон маълумотга қарши эр ҳам, она ҳам эътиroz билдиrolмайди. Шунингдек, Ҳадичага Шоикром томонидан берилган саволда (ўзи сезмаган ҳолда) ҳам овқат мавжудлигини яшириш учун шароит мавжудлиги кўринади. Шоикром “овқат солиб чиқ”, “овқатинг борми?” каби жумлаларни ишлатгандা нутқ соф ўзбекона янграган бўлар эди. Айниқса, она учун аталганлиги инобатга олинса, мазкур жумлалар ишонарлироқ ва табиийроқ чиқар эди. Адаб саволни атайин “Овқатингдан қолмадими?” тарзида берган ва тагмањонда Ҳадича учун ёлғонга шароит яратилган. Урушнинг таъсирида келин ва ўғилнинг ночорлиги, онанинг изтироблари, миллий ор, ғурур, андишанинг дарз кетаётгандиги мана шу тасвиirlарда янада ёрқинроқ акс этган.

Ҳикояда миллний характергагина эмас, умуман, инсоний қадриятларга мос келмайдиган, ўта мудҳиш бир нуқта мавжуд. Ўткир Ҳошимов урушнинг аянчли оқибатларини ёритишда қахрамонларини аямайди. “Уруш, ҳатто ҳақиқатнинг ҳам қиёфасини тескари қилиб қўяди... Урушда ҳақиқат бўлмайди” [1,213]. Ҳикоядаги онанинг ҳаракатлари ҳам биз билган ҳақиқатларни парчалаб ташлайди, у ўз ўғлининг уйига ўғриликка киради: “Умри хола бир қўли билан униқкан чит кўйлагининг этагини маҳкам чанглаб олган, этак ичida икки ҳовуч пишган-пишмаган аралаш қулупнайлар кўриниб турар, бошқа қўли билан эса илондек симни ушлаб турарди” (2,17).

Ҳикояда воқеалар ривожидаги кескинликни ифодалаш, фожиаларга ишора қилиш мақсадида шамол, ёнғоқ, калиш деталларидан унумли фойдаланилган. Дастрлаб, воқеа ривожининг бошланишида “шамол келди”, деган жумла ишлатилади. Кейин эса Шоикром қулупнайлар ва ўпирилган деворни кўриш учун борганида “ёнғоқ шохлари шамолда вишиллаши” тарзида, қулупнайлар орасига электр симларини ташлаётганда “шамол ўқирар” шаклида, Умри холани ток урган пайтда “шамолнинг увиллаши”, Шоикром ўз онасини ўлдириб қўйганлигини билганда “шамол ғувури” каби тасвиirlанади. Шамол ҳолатларининг ўзгариб бориши воқеалар

оқимига ҳамоҳанг берилганлиги ҳам адабнинг ютуқларидан ҳисобланади.

Асарда ёнғоқ детали ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ҳалқимиз ёнғоқ мевасини хуш кўради, лекин “Ёнғоқнинг тагида ётма, жин чалиб кетади” каби тушунчалар дарахтга нисбатан салбий муносабатни кўрсатади. Аслида бу дарахт кислородни ютиб, ўзидан карбонат ангидрид чиқаргани учун унинг тагида узоқ ўтирган, ухлаган одамни лоҳас қиласди. Ҳикоянинг учта жойида ёнғоқ билан боғлиқ тасвиirlар берилган. Асарнинг бошида берилган пейзаж тасвирида “ёнғоқ шохлари бир гувиллаб қўйди” каби огоҳлантириш маъноси ифодаланган. Кейинги ҳолатда Шоикромнинг “ёнғоқка боғлоқлик сигир”ини ўғирлашган. Учинчи тасвиир эса қулупнайларга электр сими билан ҳимоя ўрнатилаётган пайтда “ёнғоқ шохлари шубҳали ғийқиллар” тарзида ёритилган. Огоҳлантириш, ўғрилик, шубҳа, – буларнинг бари “хосиятсиз” ёнғоқ билан бирга келгусидаги фожиага ишора қилган.

Калиш детали эса икки ўринда қўлланган. Биринчиси, Она Шоикромнинг уйидан қайтаётгандага “Зинага ечган калишининг бир пойи тўнкарилиб қолган экан, Умри хола оёғининг учи билан тўғрилайман деб, анча овора бўлди” тарзида тасвиirlанган. Онасини кузатгани чиқсан Шоикромда калишни тўғрилаб бериш учун ҳаракат ҳам сезилмайди. Аслида уйига келган кишининг оёқ кийимини кийиш учун қулай қилиб қўйиш мезбон вазифаси ва бу қадим миллий одатлардан ҳисобланади. “Ўткан кунлар” романидаги Ўзбек ойимнинг Кумушга “Чорламаған жойга бориш учун сенинг кафшинг кўчада қолған эмас”, деган нутқида ҳам оёқ кийим детали ҳурмат маъносида қўлланилган. Келтирилган мисолда эса ҳаёт ташвишларидан чарчаган, онага ҳурматни ҳам унугтган, эътиборсиз ўғил образи юзага чиқсан. Кейинроқ эса вафот этган Умри холанинг ҳолати берилган ўринда, тўнкарилиб қолган калишнинг яна бир маъноси очилади, яъни онанинг ўлимига ишора қилинганилиги англашилади:

“Нарироқда, лойли ариқ ичидаги унинг калиши ётар, чамаси сим оёғига текканида юлиб олмоқчи бўлган-у, қўлига ўралашиб йиқилган эди”.

Шу ўринда саволлар туғилади: Умри холада бошқа чора йўқмиди, ўғлини даволатиш учун очик-ойдин Шоикромдан пул ёки қулупнайнини сўраса бўлмасмиди,

ҳарқалай ўғли бўлса? Ёзувчи воқеалар давомида бу саволлар учун йўлларни бирма-бир беркитиб боради. Масалан, келиннинг овқатни қизғаниши ва Шоикромнинг ҳам бу ҳолатга индамаганлиги, бир йил олдин келин билан қулупнай жанжали бўлганлиги, Шоикромга Шонеъмат қўй сути ичса тузалиши мумкинлигини айтганда ундан садо чиқмаганлиги онанинг ҳам чорасиз қолганлигини кўрсатади. Бу ҳолатда Умри хола образига нисбатан «ўғри» сўзини ишлатишимиҳ ҳам у қадар мос эмас. Чунки у ўзи хоҳлаб ёки ўзи учун бу ишни қилаётгани йўқ. Бир фарзандидан ўғирлаб, бошқасини тўйдирмоқчи ҳам эмас. Ўлим тўшагида ётган ўғлининг ҳаёти учун қайғурмоқда, холос.

Онанинг виждон азобидан қийналаётганлиги оч бўлса-да Шоикромнинг уйида бир тишлам нон емаганлигига ҳам кўринади. Умри хола олдига синдириб

қўйилган зогора нонни емай, ундан тўқилган “увоқларни йиғиб оғзига солади”.

Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Иккинчи жаҳон уруши ва Афғон уруши таъсири Ўткир Ҳошимов ижодида жиiddий эврилишлар содир қилган. Ёзувчи уруш натижасида миллий қадриятларнинг емирилишини, миллий характерга мос келмайдиган ҳаракатлар натижасида инсонларнинг руҳий азобланишини очиб берган. Урушнинг даҳшатлари, оқибатлари, асоратлари миллий характер, миллний ғурур, ватанпарварлик, миллатпарварлик, одамийлик каби тушунчаларнинг тиниқлашиши ва бир қатор янгича бадиий усусларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Шунингдек, инсониятнинг энг глобал муаммоси бўлмиш қирғинбарот урушларга нисбатан нафрат уйғотувчи реал тасвирлар яратилган.

#### Адабиётлар:

1. Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. –Т.: “Шарқ”, 2011.
2. Ҳошимов Ў.. Ўзбеклар: Ҳикоялар, ўйлар, ҳажвиялар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.
3. Султонов И. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1980.
4. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007.
5. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).